



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА
РИВОЖЛАНТИРИШ СТРАТЕГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
МАСАЛАЛАРИ**

https://doi.org/10.55439/ECED/vol25_iss1/a9

Темиров Абдулазиз Алимжанович

Ташкент Давлат иқтисодиёт
университети "Корпоратив бошқарув"
кафедраси доценти, и.ф.н.

Аннотация. Мақолада мұаллиф томонидан тиҷорат банклари фаолиятида стратегик ривожланишининг ўрни, стратегик режалаштириши, стратегик бошқарув стратегияни ишлаб чиқиш, амалга ошириш ва тартиби масалаларига эътибор қаратилган. Шунингдек, стратегик режалаштириши жараёнида қўлланиладиган методикалар ўрганилган, улар асосида мамлакатимизнинг айrim олинган банклари мисолида таҳлиллар амалга оширилган, уларнинг ривожланиши стратегиялари тақъосланган. Ўрганишлар асосида тиҷорат банкларининг ривожланиши стратегиясини такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқилган.

Калим сўзлар: банк, стратегия, корпоратив бошқарув, стратегик режалаштириш, таҳлил, стратегик ривожланиши.

**ВОПРОСЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ СТРАТЕГИИ РАЗВИТИЯ КОММЕРЧЕСКИХ
БАНКОВ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

Темиров Абдулазиз Алимжанович

Доцент кафедры "Корпоративное управление" Ташкентского
государственного экономического университета, к.э.н.

Аннотация. В статье автор уделяет внимание на роль стратегического развития, стратегического планирования, разработки стратегии стратегического управления, ее реализации и процедурах в коммерческих банках. Кроме того, были изучены методы, используемые в процессе стратегического планирования, на их основе были проведены анализы на примере некоторых приобретенных банков нашей страны, и проведено сравнение их стратегий развития. На основе проведенных исследований были разработаны предложения и рекомендации, направленные на совершенствование стратегии развития коммерческих банков.

Ключевые слова: банковское дело, стратегия, корпоративное управление, стратегическое планирование, анализ, стратегическое развитие.

**ISSUES OF IMPROVING DEVELOPMENT STRATEGY IN COMMERCIAL
BANKS OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN**

Temirov Abdulaziz Alimjanovich

Associate Professor of the Department of Corporate Governance
Tashkent State University of Economics, PhD

Abstract. In the article, the author focuses on the role of strategic development, strategic planning, strategic management strategy development, implementation and procedure in commercial banks. Moreover, the methods used in the process of strategic planning were studied, based on them, analyzes were carried out on the example of some acquired banks of our country, and their development strategies were compared. Proposals and recommendations aimed at improving the development strategy of commercial banks have been developed based on the studies.

Key words: banking, strategy, corporate governance, strategic planning, analysis, strategic development.

Кириш. Иқтисодий ривожланишининг ҳозирги шароити ва унинг ўзгарувчанлиги банкларни бозордаги ўз ўрнини сақлаб қолиши ҳамда фаолият юритишнинг стратегик йўналишларини ишлаб чиқиш зарурятини юзага

келитиради. Ҳар томонлама тўлиқ ва ишончли ишлаб чиқилган ривожланиш стратегияси банкларга ўз ривожланишининг молиявий имкониятларини аниқ баҳолаш ва келгусидағи йўналишларига тўғри ва самарали сарф-

лашга имкониятлар яратади. Тижорат банкининг бозордаги муваффақиятли фаолияти нафақат корпоратив бошқарувида замонавий ва тўғри қарорлар қабул қилишга, балки ҳозирги шароитдаги турли ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолдаги ишлаб чиқиладиган ривожланиш стратегиясига ҳам боғлиқдир.

Халқаро молия бозорларидағи бекарорлик, шунингдек, банк секторида рақобатнинг кучайиши билан банкларининг ривожлантириш стратегиясини шакллантириш ва такомиллаштириш масалалари яна долзарб бўлиб қолмоқда. Тижорат банклари ривожланиш стратегиясини ўрганишнинг аҳамияти ва зарурияти тўғри танланган стратегия банкнинг молиявий кўрсаткичларни ўсишига ҳамда умумий рейтингига катта таъсир кўрсатиши, тижорат банкининг юқори ишончлилик ҳамда молиявий барқарорлик нуқтаи назаридан тавсифлаши билан боғлиқдир. Бу борада Ўзбекистон - 2030 стратегиясида белгиланганидек, "Банк тизимида ислоҳотларни жадаллаштириш, банк хизматлари бозори ҳажмини ошириш ва соҳада рақобатни ривожлантириш" масалаларига алоҳида эътибор қаратилган[1].

Стратегик режалаштириш тижорат банкининг манбаатдор томонлари томонидан амалга ошириладиган ҳаракатлар ва қарорлар тўплами бўлиб, унда банк ташкилоти ўз мақсадларига эришиши учун мўлжалланган маҳсус стратегияларни ишлаб чиқади. Стратегик режалаштириш барча бошқарув қарорлари учун асос бўлиб хизмат қиласди, чунки стратегик режалаштириш жараёнисиз барча асосий бошқарув функцияларини бажариш мумкин бўлмайди. Демак, стратегик режалаштириш тижорат банкининг асосий стратегик мақсадлари ва унга эришишнинг потенциал имкониятлари ўртасида стратегик мувофиқликни яратиш ва сақлаш бўйича бошқарув фаолияти бўлиб ҳисобланади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.

Ўрганишлар асосида шуни таъкидлаш керакки, стратегия - бу компаниялар ва банкларнинг самарали фаолиятини таъминлаб берадиган ресурслари ва омилларнинг ўзаро ҳаракатларидир. Илмий адабиётларда компанияларнинг стратегияси ва стратегик ривожланиш масалаларини ўрганишга турли хил ёндашувлар мавжуд. Хусусан, америкалик олим М. Портер стратегияни рақобатбардош устунлик нуқтаи назаридан кўриб чиқади, шунингдек, ушбу ёндашув муаллифи рақобат стратегиясининг аҳамиятини алоҳида таъкидлайди

[2]. Ушбу назарияга А.А.Томпсон, А.Дж.Стрикленд, К.Бауменлар ҳам қўшиладилар.

Бошқа бир иқтисодчи олимлар Р.Энтони, В.Кинг, Д.Клиланднинг фикрларига кўра, "сиёsat компаниянинг мақсадларини эълон қилишдир. Сиёsat қарор қабул қилиш жараёнини компания мақсадларига эришиши таъминлайдиган йўналишга қаратилган. Умуман олганда, сиёsat стратегияни амалга оширадиган муқобил ечимларни чеклашга ёрдам беради. Бироқ, ташкилот стратегияси ва унинг сиёsatини умумлаштириш мумкин эмас. Стратегия анча фундаментал хусусиятга эга бўлиб, ўз ичига сиёsat тушунчасини ўз ичига олади" [3].

М.Лука, Дж.Кляйнберг ва Сендил стратегиянинг ҳаддан ташқари сода тузилмасини таклиф этганлар. Уларнинг фикрига кўра, келажак проекциясини яратиш методологиясида муаммо, сабаб ва ечимлар кетма-кетлигидан фойдаланиш етарлидир деб таъкидланган [4].

Россиялик иқтисодчи олим Р.А.Фатхутдинов "firmanning стратегик режаларининг икки босқичли тизимини ишлаб чиқишни таклиф қиласди: маълум бир давр учун фирма стратегияси; фирма стратегиясини очиб берадиган ва мазкур давр учун стратегик мақсадларга эришиши таъминлайдиган стратегик режалар" [5]. Бошқа бир россиялик иқтисодчи олим О.С.Виханскийга кўра эса "стратегия-бу компания ривожланишининг узоқ муддатли, сифат жиҳатидан аниқланган йўналиши бўлиб, у фаолият воситалари ва шакли, ташкилот ичидаги муносабатлар тизими, шунингдек компаниянинг атроф-муҳитдаги позицияси, ўз мақсадларига тегишли бўлади" [6].

З.М.Анисимовага кўра, "стратегия тижорат банкининг узоқ муддатли фаолияти режаси бўлиб, у қабул қилинган вазифалар ва мақсадларга эришиши таъминлайди ҳамда молиявий барқарорликини таъминлаш шарти билан ҳар бир таркибий бўлинма фаолиятини мувофиқлаштириши назарда тутади" деб ифодалаган [7]. Шунингдек у банк стратегияси ва банк сиёsatлари ўртасида ўзаро алоқадорлик мавжудлиги алоҳида қайд этилган.

М.Мишинага фикрига кўра "Банкни ривожлантириш стратегияси аниқ белгиланган мақсадларга еришиш учун зарур бўлган муайян ҳаракатларни ўзида мужассамлаган аниқ ҳужжатдир" [8]. В.К.Потемкин стратегияни "компаниянинг асосий мақсадига эришиш учун устувор муаммолар ва ресурсларни аниқлайдиган бош ҳаракатлар дастури билан

таққослайди [9]. У асосий мақсадлар ва уларга эришишнинг асосий усулларини шундай шакллантирадики, бу мақсад йўлида компания ҳаракатнинг ягона йўналишини олади”.

Тадқиқот методологияси. Тижорат банкларида стратегик режалаштириш ва унинг методологик асосларини ўрганиш мамлакатимизнинг айрим олинган банклари мисолида амалга оширилган бўлиб, уларнинг ривожланиш стратегиялари таққосланган. Мазкур йўналишдаги муаммоларни комплекс тадқиқ этиш орқали тижорат банклари корпоратив бошқарувида ривожлантириш стратегиясини шакллантириш ва уни баҳолашга хизмат қиласди. Ушбу мақолани тайёрлашда қиёсий солишириш, маълумотларни ўрганиш ва иқтисодий жиҳатдан таққослаш ва таҳлил қилиш, мантиқий фикрлаш, илмий абстракциялаш, маълумотни гурухлаш, анализ ва синтез каби усуллардан кенг фойдаланилган.

Ўрганишлар асосида асосий эътибор банкларни ривожлантириш стратегияси таркибий тузилиши, унинг таҳлили ҳамда улар асосида илмий асосланган таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишидир.

Таҳлиллар ва натижалар муҳокамаси.

Банкларнинг ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиш уларнинг асосий фаолият йўналишларини аниқлашдан бошланади. Бундан келиб чиққан ҳолда унинг амалга оширилиш шакллари белгиланади. Стратегия ўзида ҳар

қандай компаниянинг ўз олдига қўйган вазифасини амалга ошириш ҳамда кўзлаган мақсадига эришишни мўлжалланган деталлаштирилган шаклдаги режа ҳисобланади. Тижорат банки ўз олдига аниқ мақсад қўяр экан, унга эришиш стратегиясини белгилайди. Бироқ, амалиётда танланилган стратегия ҳар доим ҳам муваффақиятни таъминлай олмайди, чунки стратегияни ишлаб чиқиш ва қўллаш ҳали кўзланган самарани олишни кафолатлади.

Компанияларнинг стратегик бошқаруви стратегияни ишлаб чиқиш, амалга ошириш ва тартибга солиш босқичларининг доимий жараёни бўлиб, стратегик режага мувофиқ келгусидаги фаолиятини амалга оширишга имкон беради. Стратегик бошқарувнинг мөҳияти бекарор мұхиттада омон қолиш ва самарали ишлаш қобилиятини сақлаб қолиш учун содир бўлаётган ўзгаришларни доимий назорат қилиш ҳамда баҳолаш асосида ривожланиш стратегиясини шакллантириш ва амалга оширишдан иборат [10].

Тижорат банклари учун эса корпоратив стратегик режалаштириш мавжуд стратегияни сақлаш ёки янгисини яратиш учун мақсад ва вазифаларни тузишга қаратилган бошқарув функцияларидан бири сифатида қаралади. Банкларда стратегик режалаштириш ўзида учта асосий элементни мужассамлаган доимий жараёндир ва уни шундай келтириш мумкин.

1-жадвал

Тижорат банкларида стратегик режалаштириш элементлари

№	Элементлар	Мазмуни	Амалга ошириш муддати
1	Банк стратегиясини ишлаб чиқиш	-банкнинг умумий стратегияси	5-10 йил
2	Бизнес-режа	-банкнинг бизнес режаси; -банк бўлинмалари ва филиалларинг бизнес-режаси.	1-3 йил
3	Бюджетлаштириш	-банкнинг умумий бюджети; -банк бўлинмалари ва филиалларинг бюджети.	1 йил

Манба: маълумотлар асосида муаллиф ишланмаси.

Тижорат банкларида стратегияни белгилашда дуч келиши мумкин бўлган асосий қийинчилик (ёки муаммо) сифатида банк раҳбари ва банк жамоасининг қарашларидағи фарқлиликтин кўрсатиш мумкин. Бу ҳолат етакчи мутахассис (бўлим бошлиқ)ларининг малакаси ва дунёқарашлари даражасига асосланади, шунингдек банкдаги ички маданият, бошқарув тузилмаси ҳамда ишни ташкил этиш усуллари ҳам таъсир этади. Маълумки,

стратегик режани ишлаб чиқишининг асосий мақсади банкнинг асосий стратегик тадбирларни амалга ошириш учун зарур ресурсларга бўлган эҳтиёжини аниқлаш, шунингдек мавжуд ресурсларни фаолиятнинг турли йўналишлари ёки банк бўлинмалари ўртасида тақсимлашни мувофиқлаштиришdir.

Таъкидлаш керакки, стратегик режа ҳар қандай шароитда бажарилиши шарт бўлган анъянавий узоқ муддатли режалардан сези-

ларли даражада фарқ қиласи. Стратегик режа мослашувчан бўлиши ва банк фаолиятини юритишнинг ички ва ташқи шарт-шароитларига жавоб беришга имкон бериши керак, бу эса ўз навбатида катта куч ва харажатларни талаб қиласи.

Агар банк келажақдаги ривожланиш истиқболлари, мақсадлари ва вазифалари тўғрисида аниқ тасаввурга эга бўлса ва уларни амалга оширса, банк фаолиятида стратегик бошқарув қўллаб-қувватланади дейиш мумкин. Стратегик бошқарув банқдан иқтисодий жиҳатдан ўсиш ёки пасайиш тўғрисида қарор қабул қилишдир. Ушбу жараён банк мақсадларига эришиш учун мавжуд бўлган ресурсларни тақсимлашга комплекс ёндашувни талаб қиласи, чунки ресурслар одатда чекланган бўлади.

Маълумки, стратегия банк миссиясининг бир қисми бўлиб, унга эришишда, шунингдек фаолиятнинг мақсад ва вазифаларини шакллантиришда ёрдам беради. Стратегия орқали банкнинг фаолият йўналишлари, шунингдек банк фаолиятининг амалий чоратадбирлари тизимини ўз ичига олган банк сиёсати шакллантирилади, унинг ёрдамида эса банк миссиясини амалга ошириш воситалари яратилади.

Банк стратегиясини ишлаб чиқиши жуда кўп вақт талаб қиласидиган жараён, бундан ташқари у бир нечта муқобил вариантлардан танланади, кейинчалик эса стратегиянинг икки даражаси ишлаб чиқилади [10]:

- корпоратив стратегия;
- бизнес стратегия.

Корпоратив стратегия банкни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини аниқлайди, унинг фаолият чегаралари белгилайди ва банк бизнесини юритиш имкониятларин аниқлайди; банкнинг узоқ муддатли мақсадлари ва унинг фаолиятини баҳолаш мезонларини шакллантиради; рискларни аниқлайди ва капитал режасини тузади; банк бўлинмалари олдига молиявий вазифаларни қўяди; банк ва унинг бўлинмалари ўртасидаги ўзаро муносабатлар тизимини ҳамда фойдани қайта тақсимлашни тартибга солади; йирик капитал қўйилмалар ҳажми ва йўналишларини белгилайди.

Бизнес стратегия эса корпоратив стратегияга мувофиқ, маълум бир конкрет бизнесни ривожлантиришнинг мақсад ва вазифаларини белгилайди; бизнеснинг маҳсулот ва бозор портфелини белгилайди; бизнеснинг ташкилий концепциясини ва бўлинмалар фаолиятини баҳолаш мезонларини белгилайди; шунингдек мақсадларга эришиш учун тўғридан-тўғри функционал бўлинмаларда амалга оширилиши керак бўлган тадбирлар мажмуини тавсифловчи функционал стратегияларни ўз ичига олади. Шундан сўнг, янги бизнес модели ишлаб чиқилади ҳамда инвестиция ва ресурс режалари шакллантирилади. Юқоридаги барча босқичлардан сўнг ишлаб чиқилган стратегия Кузатув кенгашига кўриб чиқиш учун юборилади.

Стратегик режалаштириш жараёнида таҳлил учун бир қатор методикалар қўлланилади, уларнинг ҳар бири эса ўзига хос функцияни бажаради. Қўйидаги жадвалда эса мазкур усуслар келтирилган.

2-жадвал

Стратегик режалаштириш жараёнида таҳлил учун қўлланиладиган усуслар

№	Методикалар	Қисқача мазмуни
1	PEST таҳлил	Тижорат банки фаолиятига таъсир кўрсатувчи ташқи омилларни (сиёсий-хуқуқий, иқтисодий, ижтимоий, технологик) таҳлил қиласи ишлатилади
2	М. Портернинг 5 кучлар матрицаси	Тижорат банки фаолиятига таъсир кўрсатувчи ички омилларни (рақобат даражаси, мижозлар, ресурсларни етказиб берувчилар, ўрнини босувчи маҳсулотлар, соҳага кириш тўсиқлари) таҳлил қиласига хизмат қиласи, уларнинг жами конфигурацияси маълум бир соҳада бизнес юритишнинг рентабеллигига таъсир қиласи (инвестиция қилинган капиталнинг рентабеллиги)
3	SWOT- таҳлил	банк фаолиятини юритишдаг ташқи муҳитининг имкониятлари ва таҳдидларини аниқлаш, банк ташкилотининг кучли ва заиф томонларини баҳолаш учун ишлатилади

Манба: маълумотлар асосида муаллиф ишланмаси.

Маълумотларидан кўринадики, банк фаолиятига таъсир кўрсатувчи ташқи омил-

ларнинг таҳлили умумий ривожланиш стратегиясини, шунингдек маркетинг стратегия-

сини аниқлаш ва ишлаб чиқиш учун зарурдир. Ташқи стратегияни ишлаб чиқишида тижорат банкининг банк соҳасидага келгуси фаолиятинг умумий мақсади шакллантирилади. Ички молиявий муҳит омилларини таҳлил қилиш эса банкнинг молиявий салоҳияти ва ундан фойдаланиш самарадорлигини тавсифлаш учун мўлжалланган.

Хар бир банк учун фаолиятнинг асосий жиҳати ривожлантириш стратегиясида акс эттирилган мақсадга йўналтирилганлиги ҳисобланади. Банклар эса стратегик мақсадларини амалга оширишга қаратилган мутлақо индивидуал хусусиятга эга стратегияни ишлаб чиқмоқдалар.

Ривожлантириш стратегиясини шакллантириш масаласини ўрганиш маълум бир тижорат банкининг стратегиясини танлаш, ишлаб чиқиш ва амалга ошириш муаммоларини олдиндан белгилашни талаб қиласди. Шу муносабат билан Республикасизнинг "Агробанк" акциядорлик тижорат банки (АТБ) тадқиқот обьекти сифатида, унинг ўзига хос ривожланиш стратегияси маълумотлари ўрганилди. "Агробанк" АТБ давлат дастурларини амалга ошириш билан шуғулланадиган, шунингдек тижорат йўналишида мижозларга хизматлар кўрсатадиган Ўзбекистон Республикасининг универсал банкларидан бири бўлиб, активлари бўйича мамлакат банк секторида 5-ўринни эгаллайди [11].

Агробанк АТБ нинг асосий фаолияти мамлакат қишлоқ хўжалиги ва кичик ва ўрта бизнес соҳасида, шунингдек тижорат корпоратив ва чакана бизнесда давлат дастурларини амалга оширишдан иборат ҳисобланади. Банкнинг асосий вазифаси иқтисодиётнинг тармоқлари ва сегментларида, хусусан қишлоқ хўжалиги корхоналарида давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг бозор воситаси функцияларини амалга ошириш, миллий кредит-молия тизимининг шаклланиши ва ишлashingа кўмаклашиш, сифатли банк ва тегишли

молиявий маҳсулотлар ва хизматларда бизнес ва аҳолининг тўловга қодир талабини самарали ва ҳар томонлама қондириш бўлди.

Агробанк АТБ ҳудудларда фермерлар ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини қўллаб-қувватлаш ва ўқитиш бўйича фермерлар мактаблари тармоғини яратди. Ушбу мактаблар қишлоқ хўжалигини қўллаб-қувватлаш дастурлари, мавжуд маҳсулотлар ва уларнинг шартлари бўйича қарз олувчиларга (шахсан ҳам, қўнғироқ маркази орқали ҳам) маслаҳат беради. Бундан ташқари, марказлар ўкув машғулотларини ўtkазадилар, шунингдек кредит олиш учун зарур бўлган хужжатлар тўпламини тайёрлашда, шу жумладан бизнес-режа, молиявий ҳисобот ва бошқа вазифаларни бажаришда ёрдам беришади.

Банк томонидан ишлаб чиқилган стратегия сифат қўрсаткичлар билан бир қаторда миқдорий қўрсаткичларни ўз ичига олган. Банк фаолиятининг асосий йўналиши универсал тизимга ўтказиш учун чакана кредитлашни ривожлантириш истаги бўлади. Банк, шунингдек, фермерлар ва уларнинг маҳсулотларини улгуржи ва чакана харидорлари ўртасидаги ўзаро алоқаларни осонлаштириш учун фермер бозорини яратиш имкониятларини кўриб чиқади. Ушбу вазифани бажариш учун кўйидаги мақсадлар кўйилди:

-қишлоқ хўжалиги корхоналарини ва унга алоқадор тармоқларни кредитлаш ҳамда уларга хизмат қўрсатишда етакчи мавқени таъминлаш;

-Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг устувор тармоқлари ва соҳаларини кредитлаш ва уларга хизмат қўрсатишда банкнинг мавқенини мустаҳкамлаш;

-самарали, ишончли ва юқори технологияли молия институти сифатида банкнинг мавқенини мустаҳкамлаш.

Кўйидаги жадвалда эса банк томонидан кўйилган мақсаднинг асосий миқдорий йўналишлари келтирилган.

З-жадвал

Агробанк АТБ ривожлантириш стратегиясининг асосий прогноз қўрсаткичлари, (2020-2024 йиллар учун)

№	Қўрсаткичлар	Үлчов бирлиги	Миқдори (мақсад)
1	Банкнинг соғ фойдаси	Млрд.сўм	254,9 – 921,0
2	Жами кредит портфели (соғ)	Млрд.сўм	24 777,2 – 50 919,4
	Ш.ж. давлат дастурларини кредитлашда		
	-пахтачиликнинг улуши	фоизда	26,6 – 27,3
	-дон этиширишнинг улуши	фоизда	18,8 – 22,9
3	Кредит бериш нуқталари	дона	170

Манба: <https://agrobank.uz/uz/shareholders-and-investors/financial> маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси

Банк стратегиясининг асосий йўналишлари қўйидагилардан иборат:

1. Қишлоқ хўжалиги тармоғи корхоналарини қўллаб-қувватлаш. Қишлоқ хўжалигига алоқадор тармоқларини кредитлаш ва мижозларга хизмат кўрсатишни давом эттириш, қишлоқ хўжалиги бўйича давлат дастурларида иштирок этиш, шунингдек бошқа тижорат ва жозибадор соҳалардан мижозларни жалб қилиш.

2. Йирик бизнесни ривожлантириш. Банк фаолиятида айланма кредитлашни ривожлантириш, масофавий банк хизматларини ривожлантириш орқали мижоз маблағларини жалб қилиш ҳамда комиссион даромадлар улушкини ошириш.

3. Кичик ва ўрта бизнесни молиявий қўллаб-қувватлаш. Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш давлат дастурининг мақсадларини бажариш, кичик ва ўрта бизнесни кредитлаш; қишлоқ худудларида турли хил иқтисодий фаолиятни ривожлантиришга қаратилган кредит маҳсулотлари улушкини ошириш.

4. Чакана бизнесни ривожлантириш. Мавжуд мижозлар базасига асосланган чакана бизнесни ривожлантириш, янги мижозларни жалб қилишга қаратилган ишларни оптималлаштириш, шунингдек мижозларга хизмат кўрсатишга мўлжалланган рақамли каналларни ривожлантириш бўйича ТОП-5 ликка кириш, интернет-банкингдан фойдаланадиган мижозларнинг кўпайиши.

5. Банк маҳсулотларининг замонавий маркетингини ривожлантириш. Бу соҳада универсал ва диверсификацияланган банк хизматларини ривожлантириш ҳамда ихтинослашган маҳсулотларни ривожлантиришда давом этиш.

6. Муаммоли активлар билан ишлаш.

Ушбу йўналишларга асосланиб, асосий стратегик йўналишларни қўйидагича ажратиб кўрсатиш мумкин:

- технологик ривожланиш ёки масофавий банк хизматларини (МБХ) жорий этиш ва ривожлантириш;

- бизнеснинг турли сегментларини (кичик, ўрта, йирик) кредитлашни ривожлантириш;

- қишлоқ хўжалиги корхоналарини қўллаб-қувватлаш;

- рисклар ва капитални бошқариш;

- банк фаолиятига халқаро тамойиллар ва нормаларни жорий этиш.

Республикамиздаги тижорат банклари фаолиятини ўрганиш асосида шуни таъкидлаш керакки, тижорат банкларининг ривожланиш стратегиясини амалга оширишнинг алоҳида механизмлари шакллантирилиши лозим ва уларни қўйидагича келтириш мумкин:

- ўзгаришларни бошқариш, дастурлар ва лойиҳаларни амалга оширишни назорат қилиш банкнинг бош офиси томонидан амалга оширилади;

- йиллик бизнес-режалар банкнинг ривожланиш стратегияси хужжатлари билан бирхиллаштирилади;

- банки фаолиятига таъсир кўрсатувчи ташқи омиллар таъсирини таҳдил қилиш ва баҳолаш доимий равиша амалга оширилади;

- натижалар мунтазам равиша мониторинг қилинади.

Агробанк АТБнинг ривожланиш стратегияси таҳдил қилинганда унинг 2020-2022 йиллар давомидаги миқдорий кўрсаткичларнинг бажарилиш даражаси кўрсаткичлари қўйидагича бўлган.

4-жадвал

Агробанк АТБ нинг ривожланиш стратегиясининг асосий миқдорий кўрсаткичларининг бажарилиши, (01.01.2023 йил ҳолатига)

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Миқдори (мақсад)
1	Банкнинг соғ фойдаси	млрд.сўм	609,2
2	Жами кредит портфели (соғ)	млрд.сўм	43 033,1
	Ш.ж. давлат дастурларини кредитлашда		
	-пахтачиликнинг улуси	фоизда	26,5
	-дон етиширишнинг улуси	фоизда	22,4
3	Кредит бериш нуқталари	дона	170

Манба: банк маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, деярли барча режалаштирилган миқдорий кўрсаткичлар 2022 йил ҳолатига бажарилганлиги кўринмоқда. Фақатган бажа-

рилмаган кўрсаткичларга давлат дастурларини кредитлашда пахтачиликнинг улуси 0,1 фоизга бажарилмаган холос. Умуман олганда, Агробанк АТБ стратегиясида белгиланган

режалаштирилган миқдорий кўрсаткичларни бажариш бўйича яхши натижаларни кўрсатмоқда.

Республикамизнинг айрим тижорат банклари фаолиятининг ривожланиш стратегияларини ўрганиш уларни икки гуруҳга ажратиб кўрсатишга имкон берди:

1. Консерватив стратегиялар. Ушбу стратегиялар уч ва ундан ортиқ йўналишларга эга ҳамда амалга оширилиши узоқ муддатга белгиланган.

2. Модернизация қилинган стратегиялар. Ушбу стратегиялар учта атрофида асосий ва гуруҳланган йўналишларга эга бўлиб, уларни амалга оширилиши қисқа муддати белгиланган.

Банкларнинг ривожланиш стратегиялари бир қатор афзаликлар ва камчиликларга эга.

Консерватив стратегиянинг афзаликлиари шундаки, у банк фаолиятининг айрим

жиҳатларини яхшилаш чораларини батафсил тавсифловчи қўплаб йўналиш ва вазифаларни ўз ичига олади. Кўрсатмаларни батафсил тавсифлаш стратегияни шакллантиришда жуда муҳимдир, чунки банк ходимлари ва мижозлари банк интилаётган аниқ натижалар, шунингдек уларга эришиш йўлларини кўришлари мумкин.

Агробанк АТБнинг банк хизматлари бозоридаги мавқеини умумий таҳлил қилинганда унинг молиявий кўрсаткичларини барқарорлиги тўғрисида хулоса чиқариш мумкин, бу ҳолат унга молиявий рейтингларда етакчи ўринларни эгаллашга ёрдам беради. Банк фаолиятининг йўналишлари универсал хусусиятга эга бўлса-да, аксарият ҳолларда қишлоқ хўжалиги корхоналарига хизмат кўрсатишга асосланади. Рақобатчи банклардан фарқли улароқ, Агробанк АТБ давлат иштирокидаги банк ҳисобланади.

5-жадвал

Агробанк АТБнинг 2021-2024 йилларга мўлжалланган стратегиясининг қисқача таҳлили

№	Тавсифи	Стратегия
1	Амалга ошириш муддати	4 йил
2	Жорий бажарилиш натижалари	Амалга оширилиш жараёнида. Кўпгина миқдорий кўрсаткичлар режадаги
3	Мақсад	жорий мижозлари-худудлардаги давлат дастури иштирокчиларининг эҳтиёжини қондириш. Шу блан бирган корпоратив ва чакана кредитлашни ривожлантириш. Фаолиятини универсал тизимга йўналтириш
4	Йўналиш	Фаолиятни технологик жиҳатдан ривожлантириш (масофавий банк хизматларини ривожлантириш). Бизнеснинг турли сегментларини кредитлаш. Давлат дастурларини қўллаб қувватлаш. Рискларни ва капитални бошқариш. Банк фаолиятига оид халқаро нормаларни қўллаш.
5	Миқдорий кўрсаткичлар	Кредит портфелини 51 трлн.сўмгacha кўтариш. Давлат дастурларини кредитлашни 28,8 фоизгача камайтириш, юридик шахсларни кредитлашни 63,4 фоизгача ошириш. Кредит бериш манзилларини кўпайтириш.

Манба: банк маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

Маълумотлардан кўриниб турибдики, фаолиятни амалга оширишнинг сўнгги икки йилида банкнинг асосий молиявий кўрсаткичлари белгиланган прогноз даражасига етган. Бироқ, банкнинг ривожланиш стратегиясини баҳолаш учун рақобат муҳитини таҳлил қилиш талаб этилади. Банк соҳасидаги рақобат муҳитини таҳлил қилишнинг муҳим натижаси унинг рақобатчиларини кучли томонларини заифлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш, натижада тижорат банкининг рақобатбардошлиги ва самарадорлигини оширишга эришиш муҳим ҳисобланади. Шу муносабат билан тижорат банклари ўз фаолияти бўйича

стратегик таҳлилини амалга ошириш керак деб ҳисоблаймиз.

Бироқ, банкнинг фаолият йўналишлари ва вазифалари рўйхати торайтирилганда, у стратегияни амалга оширишнинг устувор мақсадларига аниқроқ эътибор беради, шу сабабли ҳам уларни тушуниш осонроқ. Мазкур йўналишларга, биринчи навбатда мижозларнинг содиқ (лоял)лигини ошириш, технологик таъминотни ривожлантириш, фаолият соҳасини кенгайтиришлар киритилиши мумкин.

Шунингдек, стратегияларни амалга ошириш муддатлари ўртасидаги фарқни ҳам

таъкидлаш керак. Банк стратегиясини амалга оширишнинг узоқ муддати турли иқтисодий рискларнинг пайдо бўлишга олиб келиши мумкин. Шу сабабли, қисқа вақт (уч йил) учун шакллантирилган стратегиялар устуворликка

эга, чунки улар вақт ўтиши билан янада мослашувчан бўлиши мумкин.

Қуйидаги жадвалда эса мамлакатимизнинг айрим олинган тижорат банклари стратегияларининг таққослама таҳлили маълумотлари келтирилган.

6-жадвал

Республикамизниг айрим олинган тижорат банклари стратегияларининг таққослама таҳлили

№	Банклар	Стратегияларни амалга ошириш муддати, йил	Стратегик йўналишлар сони	Йўналиши
1	Агробанк АТБ	5	5	Қишлоқ хўжалиги корхоналари ва бошқа соҳалар
2	Ўзмиллийбанк АЖ	5	3	кенг мижозлар базаси ва кучли бозор позицияси
3	Асакабанк АЖ	3	6	Мижозларнинг миқдори ва содиқлиги
4	Ипотекабанк АТИБ	3	7	Банк хизматлари жозибадорлигини ошириш ва тариф сиёсатини мақбуллаштириш
5	Трастбанк АТББ	5	3	Хизмат кўрсатиш тармоғини кенгайтириш ва инновацион маҳсулотларни самарали жорий қилиш
6	Пойтахт банк АЖ	3	4	Жисмоний ва юридик шахсларга чакана банк хизматларини кўрсатиш

Манба: банк маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

Шундай қилиб, рақобат муҳитида Агробанк АТБнинг ривожланиш стратегиясини таҳлил қилиш асосида стратегик режалаштиришни стратегияни амалга ошириш муддатини қисқартириш, аниқроқ мақсадларни белгилаш, вазифаларни миқдорий режалаштирилган кўрсаткичлар шаклида ифодалаш каби йўналишларда такомиллаштириш бўйича тавсиялар бериш мумкин.

Бироқ, банк тизимидағи асосий рақобатчилар билан таққослаганда, стратегия кўплаб индивидуал йўналишларни ўз ичига олади, бу эса банкнинг асосий вазифаларига эътиборни камайтиради. Рақобатчиларнинг стратегиялари эса универсал бошқарув тизимини жорий этишга интилади, бу фаолият йўналишларининг ўхшашлигидан далолат беради. Агробанк АТБ ўз стратегиясида қишлоқ хўжалиги корхоналари ва унга алоқадор тармоқларни ривожлантиришни давлат дастури орқали амалга оширишни устувор мақсад қилиб қўйган.

Хулоса ва таклифлар. Айрим олинган тижорат банкларнинг мавжуд ривожланиш стратегияларининг таҳлили шуни кўрсатдики, аксарият стратегияларнинг функционал таркибий қисмлари қўйидагилардан ташкил топади:

1. Банкнинг бозор қийматини оширишга қаратилган молиявий стратегия.

2. Мижозлар базасини кўпайтиришга, истеъмолчиликнинг содиқлигини оширишга ва бозорларга қаратилган маркетинг стратегияси.

3. Ходимларни рафбатлантириш ва баҳолаш, кадрлар тайёрлаш тизимини яратишга қаратилган ходимларни бошқариш стратегияси.

4. Банк фаолиятининг барча соҳалари тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган ягона маълумотлар базасини яратишга қаратилган аҳборот стратегияси.

Тижорат банклари фаолиятини ўрганиш ва таҳлил қилиш асосида шуни таъкидлаш керакки, тижорат банкларида ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиш бир неча босқичда амалга ошириладиган мураккаб ва узоқ жараён бўлиб ҳисобланади.

Тадқиқот натижасида банк ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқишин такомиллаштириш бўйича алгоритм ишлаб чиқилди. Таклиф қилинаётган алгоримга мувофиқ, банк ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиш 5 босқичдан иборат бўлиб, ҳар бир босқич алоҳида олинган асосий масала ва унга эришиш йўллари келтирилган.

Тижорат банкларида ривожланиш стратегиясини тақомиллаштиришга оид алгоритм

Босқичлар	Номи	Қисқача мазмуни
1-босқич	Банк ва унга таъсир қилувчи ташқи мұхиттің стратегик диагностикасы.	-тижорат банки фаолиятининг ҳар бир йұналиши бүйіча кучли ва заиф томонлари аниқланади; -мамлакат банк секторининг умумий ривожланиш тенденциялари прогноз қилинади; -банк бозорининг асосий сегментлари аниқланади ва тавсифланади; -банкнинг асосий рақобатчиларига нисбатан позицияси таҳлил қилинади.
2-босқич	Банкнинг стратегик ривожланишининг умумий концепциясини ишлаб чиқыш	-банк бизнесининг қарашлари аниқланади; -банк миссияси фаоллаштирилади; -бир вақтнинг ўзіда ривожланиш стратегиясининг бир нечта мүқобил вариантылари таклиф этилади; -банкнинг стратегик ривожланиш йұналиши аниқланади; -аңық стратегик мақсадлар белгиланади.
3-босқич	Банкнинг стратегик ривожланиш режаларини батағсил ишлаб чиқыш	-банк ривожланишининг асосий йұналишлари аниқланади; -мақсадлы міжозлар гурұхы учун банк маңсулоттарининг таркиби ва савдо каналлари аниқланади; -асосий йұналишлар бүйіча мақсадлар шакллантирилади; -танланған йұналишлар бүйіча банкни ривожлантириш режалари ишлаб қиқылади.
4-босқич	Банкнинг ички инфратузилмасини яратиш	-банк ходимларини рағбатлантиришнинг самарали усулларини танлаш бүйіча қарорлар тайёрлаш; -бизнес-жараёнларнинг оптималлаштирилиши
5-босқич	Операцион режаларни ишлаб чиқыш ва стратегияни банк фаолиятига жорий этиш	- банкнинг барча асосий фаолиятлари учун операцион режалар ишлаб қиқыш; - операцион ва стратегик режалаштириш жараёнларини боғлаш, шунингдек банкнинг тайёрланған стратегик режаларини амалга ошириш жараёнини мониторинг қилиш бүйіча қарорлар тайёрлаш.

Манба: маълумотлар асосида муаллиф ишланмаси.

Амалга оширилған тадқиқотлар бүйіча тижорат банкларининг ривожланиш стратегиясини тақомиллаштиришга қаратылған қүйидаги таклифларни ишлаб чиқышга мұваффақ бўлдик:

1. Тижорат банклари стратегиясини амалга ошириш муддатини қисқартириш. Ўрганишлар асосида ушбу муддатни ўртача уч йил деб ҳисоблашни таклиф этамиз, чунки бу муддат ривожланиш стратегияга мувофиқ, банк фаолиятини амалга ошириш рискини камайтиришга ёрдам беради, шу билан бирга стратегиянинг ҳар йили мамлакат банк тизимиға оид юзага келадиган ўзгаришлар ёки янгиликларга мослашувчанлигини оширади. Фикримизча, тавсия қилинган уч йилга мўлжалланған фаолият параметрларини ишлаб чиқыш тижорат банкларининг даромадли тижорат ташкилоти сифатида узоқ муддатли фаолият кўрсатишини, унинг барқарорлигини мустаҳкамлаш, рақобатбардошлигини ошириш ва режалаштирган рискларни бошқариш тизимининг ишончлилигини таъминлаш

асосида изчил ривожланишини таъминлашга ёрдам беради.

2. Банк фаолият йұналишларини йирик гурӯхларга ажратиш ҳамда уларни алоҳида белгиланған вазифалар орқали очиб бериш. Фикримизча, фаолият йұналишлари сонини қўйидаги учта йирик гурӯхга бўлиши тавсия этилади:

- міжозларнинг содиқ (лоял)лигини ривожлантириш. Бунга банк хизматларни яхшилаш орқали янги міжозларни жалб қилиш, рақамли банк хизматларни ривожлантириш орқали барча турдаги міжозлар учун банк хизматларидан фойдаланиш имкониятини ошириш орқали эришилади;

- янгиофислар, банкоматлар, терминаллар очиб орқали фаолият кўламини кенгайтириш;

- технологик таъминотни ривожлантириш. Бу ўз навбатида масофадан туриб хизмат кўрсатиш қулагилигини яхшилаш, қоғозсиз иш оқими кўламини ошириш орқали таъминлади.

Тавсия этилаётган ушбу чора-тадбирларни амалга ошириш стратегияни содда ва тушунарли бўлишига, ишларни эса ихчамлаштирилишига ёрдам беради, шунингдек банк фаолиятнинг асосий устувор йўналишларини очиб беради.

3. Банк фаолиятини амалга ошириш йўналишини аниқлаб олиш (ёки универсализация ёки спецификация). Тижорат банки танланган фаолият йўналишига қараб, битта асосий мақсад (масалан, қишлоқ хўжалигига йўналтирилган ўзига хослик ёки мижозларга барча банк хизматларини кўрсатишда универсализация)га эътибор қаратиш мумкин бўлади.

Агробанк АТБ барча турдаги банк хизматларини кўрсатадиган универсал тижорат банки бўлишига қарамай, у Республика қишлоқ хўжалиги корхоналарини молиялаштиришда етакчи ўринни эгаллайди, шунингдек давлатнинг мазкур банкка бўлган кучли таъсири билан ажралиб туради. Қишлоқ хўжалиги корхоналарини кредитлашга йўналтирилганлиги банкнинг мамлакатимиз иқтисодиёти учун муҳим аҳамиятига эга эканлиги билан биргалиқда, барча турдаги мижозларга ўз вақтида ва юқори даражада тенг шароитларда молиявий хизматларни тақдим этиш имконини беради.

4. Банкнинг ривожланиш стратегиясига технологик ривожлантириш ва мижозларни кўпайтириш йўналишларини киритиши. Мижозлар базасини кўпайтириш учун банкнинг хизмат кўрсатишида ипотека ва истеъмол кредитлаларига устуворлик белгиланиши керак. Технологик ривожланиш даражасини ошириш учун эса янги банк технологияларини жорий этиш бўйича ишларни фаол давом эттириш зарур. Технология бозори мижозларнинг эҳтиёжларига мослаштирилиши мумкин бўлган кўплаб фойдали ечимларни таклиф этади.

Таклиф этилаётган ушбу тавсиялар тижорат банклари фаолиятини амалга оширишга ҳамда унинг молиявий натижаларини яхшилашга ижобий таъсир қўрсатадиган ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқишига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади. Ушбу тавсиялар ўз навбатида нафақат жисмоний шахсларга кредит бериш ҳажмини оширишга ёрдам беради, балки янги мижозларни (ҳам жисмоний, ҳам юридик шахсларни) жалб қилишга, банк мижозларининг содиқлигини оширишга, шунингдек банкнинг халқаро ва миллий рейтинглардаги кўрсаткичлари бўйича барқарор ўринга эришишга ёрдам беради.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон-2030 стратегияси тўғрисида" ПФ-158-сон Фармони, 11.09.2023 й.
2. Porter M. E. *Competitive Strategy Techniques for Analyzing Industries and Competitors.* N. Y.: The Free Press, 1998. [XXII] р., introduction, 398 р.
3. Шевлякова А. Особенности реализации стратегии развития в банковской сфере // Вестник КемГУ. Серия: Политические, социологические... 2019, 4(2).
4. Harvard Business Review (HBR). Сборник «Менеджмент. Стратегии. HR: Лучшее за 2017 год».
5. Фатхутдинов Р. А. *Стратегический менеджмент.* -М.: ЗАО «Бизнес-школа «ИнтелСинтез», 2000.- 640 с.
6. Виханский О. С. *Организация управления в государственном секторе и фирмах Японии:* дис. ... канд. экон. наук. М., 1993. -239 с.
7. Анисимова З.М. *Развитие стратегического банковского менеджмента.* дис...канд. экон. наук: 08.00.10. - М, 2014.
8. Мишина М. *Разработка стратегии развития банка // Экономика и социум" №1(20) 2016.*
9. Потемкин В. К. Управление персоналом. СПб.: Питер, 2010. -432 с.
10. Темиров А.А. Тижорат банкларида корпоратив бошқарув самараадорлигини молиявий механизmlар асосида ошириш йўллари. Монография. -Т.: Инновацион ривожланиш нашриёт матбaa уйи, 2023. -186 б.
11. Агробанк АТБ нинг 2021-2024 йилларга мўлжалланнган ривожланиш стратегияси.
12. <https://agrobank.uz/uz/shareholders-and-investors/financial>